

**G.BARBADENSE L. ТУРИГА МАНСУБ БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАР
АЙРИМ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИ КОРРЕЛЯТИВ БОҒЛИҚЛИГИ**

Н. А.Нариманов,

Б. К.Мадартов,

Ф.Р.Абдиев

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали

Маълумки, тизма ва навларнинг морфо-хўжалик белгилари орасидаги коррелятив боғлиқликларни ўрганиш танлаб олинган намуналарнинг генотипи, уларнинг хўжалик белгиларига эътибор бериб танлаш имкониятини яратади. Шунинг билан олган ҳолда, амалий селекцияда белгиларнинг ўзаро узвий боғлиқлик даражасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ёўзанинг қимматли хўжалик белгилари орасидаги коррелятив боғлиқликни таҳлил қилиш борасида кўплаб маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган [1; 4; 6].

G.arboreum L. шакллари билан G 27, LD 133 ва Lohit навларини чапиштириш асосида 12 та дурагайлар олинган. Ушбу дурагайларнинг F₄ авлоддан 48 та шакллар ажратиб олиниб, ҳосилдорлик, битта кўсак вазни, тола узунлиги, тола чиқими каби белгилар ўрганилган. Ҳосилдорлик ва кўсак сонининг фенотипик ва генотипик вариацияси солиштирилганда, ирсий ўзгарувчанлик нисбатан юқори бўлиши, ҳосилдорлик, кўсак сони, тола узунлиги ва тола индекси каби қимматли хўжалик белгилари аддитив генлар томонидан назорат қилиши аниқланган. Ҳосилдорлик билан кўсаклар сони ўртасида ижобий корреляция кузатилган [5].

Ингичка толали янги ёўза навлари ва улар иштирокида олинган F₁ авлодида хўжалик белгиларни узвий боғлиқлиги таҳлил қилинган. Тола узунлиги билан чиқими ўртасида кучсиз манфий равишда узвий боғлиқлик мавжудлиги, тола узунлиги билан кўсаклар сони ўртасидаги боғлиқлик мавжуд эмаслиги; битта кўсакдаги пахта вазни билан битта ўсимликдаги кўсаклар сони ўртасида кучли манфий узвий боғлиқлик борлиги аниқланган ва белгилар ўртасидаги фенотипик узвий боғлиқлик генотипга боғлиқ равишда ўзгаради, деган хулосага келган [3].

Ҳаво ҳарорати +25-30⁰С бўлган шароитда Сурхон-14 нави ва Л-01 тизмасида транспирация жадаллиги ва маҳсулдорлик белгилари орасидаги кучли ижобий ($r=+0,76$; $r=+0,98$) корреляция мавжудлиги аниқлаган. Ҳаво ҳарорати ошиши билан +35-40⁰С ушбу белгилар орасидаги корреляция Истиклол-14 навида кучсиз ижобий ($r=+0,27$), Султон навида эса кучли ижобий ($r=+0,98$) ҳолат кузатилган ва +45-50⁰С бўлган шароитда эса белгилар ўртасидаги корреляция Сурхон-14 ва Истиклол навларида кучли салбий ($r=-0,95$ дан), Л-02 тизмасид а эса ўрта салбий ($r=-0,59$) ҳолат аниқланган [2].

G.barbadense L. турига мансуб бошланғич манбаларда биринчи ҳосил шохи белгиси битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни ўртасида ўртача ижобий корреляция (мос равишда $r=0,59$ ва $r=0,60$), биринчи ҳосил шохи билан тола чиқими ўртасида ўртача салбий корреляция ($r=-0,48$) мавжудлиги қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал *G.barbadense* L. турига мансуб бошланғич манбаларда айрим хўжалик белгиларининг узвий боғлиқлиги коррелятив боғлиқлиги

	Биринчи ҳосил шохи	Тола узулиги	Битта кўсакдаги пахта вазни	Тола чиқими	1000 дона уруғ вазни
Биринчи ҳосил шохи		0,2001	0,6038	-0,4947	0,5999
Тола узулиги			0,3701	-0,1518	0,3394
Битта кўсакдаги пахта вазни				-0,009	0,9158****
Тола чиқими					-0,009
1000 дона уруғ вазни					

Изоҳ: Ишончли фарқ $P \leq 0,05^*$, $P \leq 0,01^{**}$ and $P \leq 0,001^{***}$

Бошланғич манбаларда биринчи ҳосил шохи билан тола узунлиги ўртасида кучсиз ижобий корреляция ($r=0,20$) аниқланди. Ўрганилган йирик кўсакли тизмалар ва навларда битта кўсакдаги пахта вазни билан 1000 дона уруғ вазни ўртасида кучли ижобий корреляция (мос равишда $r=0,91$) қайд этилган бўлса, битта кўсакдаги пахта вазни билан тола чиқими ўртасида деярли коррелятив



боғлиқлик кузатилмади. Тола узунлиги билан битта кўсакдаги пахта вазни ўртасида ўртача ижобий корреляция ($r=0,37$) ва тола узунлиги билан 1000 дона уруғ вазни ўртасида кучсиз ижобий корреляция ($r=0,33$), тола узунлиги билан тола чиқими ўртасида кучсиз салбий корреляция ($r=-0,15$) аниқланди (1-жадвал).

G.barbadense L. турига мансуб бошланғич манбаларда биринчи ҳосил шохи белгиси битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни ўртасида ўртача ижобий корреляция (мос равишда $r=0,59$ ва $r=0,60$), биринчи ҳосил шохи билан тола чиқими ўртасида ўртача салбий корреляция ($r=-0,48$) мавжудлиги қайд этилди (1-жадвал).

Бошланғич манбаларда биринчи ҳосил шохи билан тола узунлиги ўртасида кучсиз ижобий корреляция ($r=0,20$) аниқланди. Ўрганилган йирик кўсакли тизмалар ва навларда битта кўсакдаги пахта вазни билан 1000 дона уруғ вазни ўртасида кучли ижобий корреляция (мос равишда $r=0,91$) қайд этилган бўлса, битта кўсакдаги пахта вазни билан тола чиқими ўртасида деярли коррелятив боғлиқлик кузатилмади. Тола узунлиги билан битта кўсакдаги пахта вазни ўртасида ўртача ижобий корреляция ($r=0,37$) ва тола узунлиги билан 1000 дона уруғ вазни ўртасида кучсиз ижобий корреляция ($r=0,33$), тола узунлиги билан тола чиқими ўртасида кучсиз салбий корреляция ($r=-0,15$) аниқланди.

Адабиётлар рўйхати

1. Султонов С. Ёўза гулларининг калта ва узун оналик тумшукчали шаклларида белгиларнинг ўзаро фенотипик корреляцияли боғланишини ўрганиш. // Пахтачилик ва дончилик журнали.- Тошкент. 1997. №4. Б. 15-18.
2. Мурадуллаев А.М. Ёўза навлари ва тизмаларининг юқори ҳароратга чидамлилигининг морфо-физиологик хусусиятлари. Б.ф.д. дисс. автореф. (PhD). Тошкент. 2020.-Б. 19-20.
3. Чоршанбиев Н.Э. Ингичка толали ёўзанинг янги навларида ва дурагайларининг F_1 авлодида қимматли хўжалик белгиларининг корреляцияси. Республика илмий конференция материаллари. Самарқанд. 2006. Б. 34-35.



4. Norton E.R., Clark L.J., Husman S.H. Evaluation of a Twin-Line Cotton Production System in Graham County. Arizona Cotton Report. The University of Arizona, College of Agriculture and Life Sciences. 2002. P. 204-208.
5. Sandhu B.S., Mangat N.S., Arora R.L. *Gossypium arboreum*. Pattern of character associations in advanced generation progenies of desi cotton // Haryana Agr. Univ. J. Res. – 1987. – Vol. 17. – № 3. – P. 240-245.
6. Silvertooth J.C., Galadima A. Evaluation Irrigation Termination Effect on Fiber Micronaire and Yield of Upland Cotton. Arizona Cotton Report.- The University of Arizona, College of Agriculture and Life Sciences.2006. P. 49-60.

